

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БОШ ИЛМий-МЕТОДИК МАРКАЗ

ДЖУРАЕВ АКБАР САЛИМОВИЧ

**МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Джураев Акбар Салимович

Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини
ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш..... 3

Джураев Акбар Салимович

Совершенствование педагогических механизмов развития
профессиональных умений слушателей в процессе повышения
квалификации 23

Djuraev Akbar Salimovich

Improvement of pedagogical mechanisms for developing trainees'
professional skills during professional development 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БОШ ИЛМий-МЕТОДИК МАРКАЗ

ДЖУРАЕВ АКБАР САЛИМОВИЧ

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ
МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped227 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бош илмий-методик марказда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмадияров Яшин Утқурович
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Чориев Абдушукур Чориевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Аъламжон Амриллоевич
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2019 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.А.Файзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар олий таълим сифатини оширишда янги ижтимоий-иқтисодий эҳтиёж ва талабларга мослашган малака ошириш жараёнини тизимли йўлга қўйиш, тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг вариатив шакллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Катталар таълими, шу жумладан малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш масалалари билан ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Европа университетларининг Ассоциацияси, олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи каби ташкилотлар кенг шуғулланмоқда. Айни шу ривожланган давлатлар тажрибасидан самарали фойдаланган ҳолда малака ошириш тизимида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг интерфаол технологияларини такомиллаштириш, тингловчиларда креатив фикрлашни шакллантириш моделларини ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда андрагогик таълимни ташкил этишнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, замонавий шароитда касбий фаолиятни амалга ошириш учун муҳим ҳисобланган катталар таълимида чет тилларни ўқитишнинг интенсиф усуллари ишлаб чиқиш, тингловчиларнинг ахборот-коммуникатив компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш тобора устувор аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, малака ошириш курси тингловчиларида аутопсихологик компетентлиликни ривожлантиришнинг интерфаол метод ва технологияларини ишлаб чиқиш, тингловчиларда касбий малакаларни таркиб топтиришнинг асосий тенденцияларини кенг жорий этиш яққол кўзга ташланмоқда.

Республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий тажрибаларга асосланган ва халқаро стандартларга мос келувчи ўқув дастурлари асосида малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг ижодий фаоллигини ошириш, мустақил таълимни ташкил этишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “Олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш”¹ бўйича устувор вазифалар белгиланган. Бу эса, олий таълим сифатини таъминлашда узлуксиз малака ошириш жараёнини амалга ошириш модели ва технологияси ҳамда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – Б.37.

тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамиз олимларидан Р.Аҳлидинов, Р.Джураев, У.Бегимқулов, Э.Кенжаев, Н.Қосимов, Н.Матякубов, У.Иноятгов, Р.Ишмухамедов, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, М.Мирсолиева, С.Турғунов, У.Хайитов, Ф.Равшанов, Р.Файзиев, Ш.Қурбонов, Ғ.Шоумаровлар томонидан касбий компетентликни ривожлантириш муаммолари ўрганилган. Н.Рўзиқулов ўз илмий изланишларида умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг бошқарувчилик фаолиятини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этган бўлса, Ғ.Шоумаровнинг илмий изланишларида раҳбар шахсига қўйиладиган ижтимоий-психологик талаблар ўрганилган. Д.Мухамедова таълим соҳасида менежерларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш борасида ўз тадқиқотларини амалга оширган. Т.Шаймардонов педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизимини, М.Вахобов умумий ўрта таълимда ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш, Ф.Саидова техникавий олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш сифатини бошқаришни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этган.

Катталар таълимини ташкил этиш, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш масалалари МДҲ олимларидан Р.Квеско, Э.Кондратьев, Р.Абрамов, Е.Богданов, В.Зазыгин, Ю.Масалова, В.Комаровский, Л.Алексеева, А.Петровский, М.Ярошевский кабилар томонидан ўрганилган.

C.McKee, M.Johnson, W.Ritchie, V.Greaney, T.Kellaghan, P.Santiago, D.Nusche, T.Radinger, C.Shewbridge каби хорижлик олимлар малака ошириш

курси тингловчиларининг тадқиқотчилик лаёқатини ривожлантириш йўллари ҳамда таълим сифатини миллий баҳолаш асосида малака оширишнинг замонавий шакллари тадқиқ этиш борасида изланишлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-42. “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларида шахсга йўналтирилган электрон медиатаълим муҳитини шакллантиришнинг методик тизимини яратиш” (2013-2014 йй.), ЁА1-20. “Таълимда инновацион менежментнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш” (2014-2015) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини андрагогик ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

“малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантириш” тушунчасига олий таълим сифатини таъминлаш нуктаи назаридан аниқлик киритиш;

малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ёритиб бериш;

ривожланган давлатлардаги олий таълим сифатини таъминлаш тажрибасини қиёсий таҳлил этиш асосида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделини такомиллаштириш;

“Эксперт-омил” матрицаси асосида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш йўналишларини аниқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бош илмий-методик марказ хузуридаги раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси танлаб олинди. Тадқиқотда жами 1358 нафар респондент-тингловчилар иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусига оид назарий, илмий-педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш, социометрик методлар (анкета, суҳбат, тест), педагогик кузатиш, тажрибасинов, математик-статистик, моделлаштириш ва эксперт баҳолаш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги:

андрагогик таълимнинг таянч тушунчаси сифатида малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш мазмуни акмеологик мотивацияни таркиб топтириш ва акмеологик муҳитнинг яхлитлик, интеграллик, ўз-ўзини ривожлантириш тамойилларини эдукологик интеграциясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантириш ижтимоий-психологик (лидерлик, коммуникабеллик) ва интеллектуал (ижтимоий, вербал, новербал интеллект) хусусиятлари андрагогик ёндашувнинг витаген таълимга қўйиладиган талаблар билан интеракциясини жадаллаштириш асосида аниқлаштирилган;

малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели “Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари”ни инновацион фаолият билан уйғунлаштириш ва интенсив қайта алоқасини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш йўналишларининг (ўқув, илмий-инновацион, устоз-шоғирд) устувор жиҳатлари “Эксперт-омил” матрицаси асосида ишлаб чиқилган муаллифлик ишланмасининг эмпирик даражаси ва валидлигини исботлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида мустақил таълимни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилган;

тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

олий таълим сифатини таъминлаш стратегиясининг асосий йўналишлари бўйича илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув модуллари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда раҳбар кадрларнинг касбий малакасини шакллантириш соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “олий таълим сифатини таъминлаш”, “касбий малака”, “касбий малакани ривожлантириш” тушунчаларига муаллифлик таърифларининг шакллантирилганлиги, малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантириш функциялари, ижтимоий-психологик ва интеллектуал сифатлари тизими, касбий малакаларни ривожлантиришнинг тизимли-функционал моделининг ишлаб чиқилганлиги, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини баҳолашнинг “Эксперт-омил” матрицасининг тузилганлиги,

педагогик ташхис воситасида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш мазмунининг ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти малака ошириш курслари учун ишлаб чиқилган “Таълим сифати менежменти” ва “Таълим тизими менежменти” йуналишидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режасидаги “Олий таълим сифати менежменти”, “Таълим менежменти бўйича илғор хорижий тажрибалар”, “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини бошқаришнинг хусусиятлари, уни таъминлашда раҳбар кадрларнинг роли ва функциялари”, “Кадрлар менежменти” модулларининг ўқув-услубий мажмуаларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасаларида педагогика ва психология ҳамда таълим муассасаларини бошқариш магистратура мутахассислигида ўқитиладиган мутахассислик фанларининг методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“касбий малака” тушунчасининг мазмуни ҳамда уни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларига доир таклифлардан “Таълим сифати менежменти”, “Таълим тизими менежменти” қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари мазмуни ва методик таъминотини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-522-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг малака талаблари белгиланиб, ўқув дастурлари мазмуни бойитилган;

малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик ва интеллектуал хусусиятлари ва моделини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлардан “Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари мазмуни, сифати ва тингловчиларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган малака талаблари”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-522-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришда кўчма машғулотлар ва малакавий амалиётни самарали ташкил этиш имконини берган;

малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантирилганлигини “Эксперт-омил” матрицаси асосида баҳолаш механизмини такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар асосида ЁА1-20 рақамли “Таълимда инновацион менежментнинг ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳаси доирасида олий таълим муассасалари педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари учун “Таълимда инновацион менежмент” модулининг ўқув-услубий таъминоти ишлаб

чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 89-03-522-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг инновацион йўналишларини малака ошириш жараёнига татбиқ этиш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика, 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим тизимида сифатни таъминлаш ва малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг ўзаро алоқадорлиги, малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг акмеологик хусусиятлари ҳамда тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати ёритиб берилган.

Олий таълим тизимида раҳбар кадрларни тайёрлашнинг янги тизими ишлаб чиқиш, ундаги ўқитиш сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу мақсадда олий таълим тизими сифатини ошириш мақсадида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ, профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини бутунлай ўзгартириш ва замонавий ижтимоий-иқтисодий йўлга буриш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш, уни янада такомиллаштириш долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бугунги кунда олий таълимни самарали бошқаришга, уни фақатгина сифат ғояси нуқтаи-назаридан қаралгандагина эришиш мумкин. Олий таълим соҳасида сифатнинг таъминланиши пировард

натижада, етук кадрларни тайёрлашга имкон яратади. Шу боисдан ҳам, олий таълим тизими сифатини таъминлашда раҳбар кадрлар касбий малакасини ривожлантиришга оид масалаларни таҳлил қилишдан олдин, етакчи олимларнинг сифат тушунчасига нисбатан ёндашувларини қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.


Таълим сифати деганда касбий тафаккур ва чуқур маълумотга эгаликнинг кетма-кетлиги ва амалда самарали шаклланишини аниқловчи таълим жараёнининг комплекс тавсифи тушунилади. Шу боисдан ҳам Ю.А.Маслова таълим жараёни сифатини уч асосий жиҳатларини алоҳида қайд этади. Биринчидан, билимлар ва кўникмалар сифатидаги асосий хусусиятлар; иккинчидан, ўқув юртлари томонидан тақдим этилаётган кафолатлар; учинчидан, ОТМнинг обрўси, нуфузи, ўқитувчилар ва таълим олаётганларнинг коммуникатив лаёқати ва бошқа хусусиятлар тегишлидир. Республикамиз олий таълим тизимини модернизациялаш мураккаб бошқарув вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлардан О.Д.Рахимов ўзининг “Таълим сифати – ҳаёт сифати” номли монографиясида таълим сифати ва уни баҳолаш мезонлари, таълим стандартлари, чет эл ва Ўзбекистон олий таълим тизимида таълим сифати ва уни баҳолаш тизими, олий таълим муассасаларини аккредитациялаш тизимлари, таълим сифатини таъминлашда замонавий ахборот-коммуникация ҳамда инновацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш усулларини келтирган. И.О.Улашев ўзининг “Таълим иқтисодиёти ва менежменти” номли ўқув-услубий қўлланмасида таълимда бошқарув, бошқарув психологияси асослари, бошқарув этикаси, таълим хизматлари, таълимда реклама асослари, таълим тизимини бошқариш ва таълим тизимини бошқаришда технологиялар каби масалаларни ёритган. Юқорида келтирилган олимлар томонидан сифат тушунчасига берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда, таълим сифатига қуйидагича тариф беришимиз мумкин: “Таълим сифати – бу бутун таълим тизимида нисбатан ўрнатилган талабларнинг бажарилишини таъминлаш орқали самарали натижаларга эришишдир. Таълим соҳасида сифатни нисбий тушунча тарзида унинг таълим стандартларига ёки таснифларга ҳамда истеъмолчи талабларига мослик даражаси деб қарашимиз мумкин ва юқоридаги икки жиҳатнинг уйғунлашуви самарали ҳисобланади”.

Ҳозирги кунда замонавий олимлар таълим соҳасида сифатни турли жиҳатларда – ўқитиладиган фанга хос муҳим хусусиятларнинг функционал бирлиги сифатида ҳам, ўзаро таъсир қилиш қонунига мувофиқ, бир-бири билан узвий боғланган хусусиятлар тўплами сифатида ҳам, муайян тузилмага эга бўлган тизим кўринишидаги нарсанинг яхлит тавсифи сифатида ҳам талқин қилмоқдалар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олий таълимда сифат ва сифатни баҳолаш масаласи XX асрнинг охирида дунё миқёсида энг долзарб масала бўлиб майдонга чиқди. ЮНЕСКО томонидан 1998 йилда ўтказилган конференцияда бутун дунё декларацияси қабул қилинди ва унинг 11-моддаси “Сифатни баҳолаш” деб номланди ва унда сифат олий таълим соҳасида кўп ўлчамли концепция, деб таърифланди. Унга кўра ўқув ва академик дастурлар,

илмий тадқиқот ишлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ўқув бинолари, моддий-техника баъзаси, жиҳозлар, жамият учун жон куйдириш, академик муҳит сифатни белгиловчи дастурлар сифатида келтирилади. Айни шу маънода, сифатни бошқариш мантиқан сифатга йўналтирилган раҳбарлик ва бошқаришнинг мувофиқлаштирилган фаолияти эканлигидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг таълим сифатини таъминлашдаги функционал вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш раҳбар кадрлар касбий малакасини ривожлантириш самарадорлигини оширишни талаб этади.

Таълимда сифатни таъминловчи генератор, бу муассаса раҳбари ҳисобланади. Ана шу сабабли тадқиқот доирасида олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг таълим сифатини таъминлашдаги функционал вазифалари аниқлаштирилди (1-расм).



1-расм. ОТМ раҳбар кадрларининг таълим сифатини таъминлашдаги функционал вазифалари

Раҳбар шахсининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган барча акмеологик сифатлари ижтимоий тараққиётнинг юксак онгли фаолиятчиси сифатида педагог кадрлар акмеологик компетентлигини шаклланишига таъсир кўрсатувчи шахс мотивациясининг хусусиятлари, уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари моҳиятини белгилайди.

Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг акмеологик хусусиятлари тизим тавсифига эга бўлиб, аниқ даврийликка асосланади. Жумладан, биринчи тизимининг ҳосил бўлишида анализаторлар ўртасидаги доимий табиий алоқани акс эттирувчи филогенетик механизмлар катта рол ўйнайди. Иккинчи тизим барқарор

психик ҳолатларни ўз ичига олади. Учинчи тизим – акмеологик мотивацияга асосланадиган ҳамда раҳбар шахсини ижодкор менежер сифатида шакллантирадиган стабилизация тизимидир. Тўртинчи тизим ўз ичига шундай хусусиятлар, муносабатлар ва хатти-ҳаракатларни оладики, уларда реал шахсларнинг ижтимоий “ўй фикрлари ва ҳис-туйғулари” акс эттирилади. Улар раҳбар-кадрларнинг ижодкор шахс сифатида хулқ-атворини белгилаб берувчи акмеологик қарашлар соҳиби эканлигини белгилаб беради.

Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг асосий мақсади, уларнинг касбий малакаси ва кўникмаларини ташқи муҳит ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, ОТМлар фаолиятини ташкил этишнинг янги усуллари ва моделларини, ОТМнинг таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган талабаларни ўқитишнинг янги технологияларини жорий этишда, бошқарув ва педагог кадрларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бера оладиган даражада бўлишини таъминлашдан иборатдир.

Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришда уларнинг интилувчанлик ва ташкилотчилик, хусусан стратегик мақсадларни тўғри ривожлантириш ва уларга эришиш, ғайратли бўлиш, ташқи таъсирлар билан кураша олишлик, шунингдек ўз фаолиятини оқилона режалаштира олишлик, интизомлик, жорий вазифаларни бажаришга нисбатан мантикий ва амалий ёндашиш каби ижтимоий-психологик ва интеллектуал сифатларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим (2-расм).

Бугунги кунда Бош илмий методик марказ тизимли таҳлил, сифат ва малака ошириш таълим жараёни натижалари мониторингини амалга ошириб, асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим сифатини таъминлаш мақсадида малака ошириш курси тингловчиларининг зарурий касбий малакаси ва компетенциясини баҳолайди. Шу билан биргаликда, ОТМлар ўқув-услубий материалларини тайёрлашда илғор хориж тажрибасини қўллаган ҳолда, чет тилларини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш усулларини ишлаб чиқишни таъминлайди ва йўналишлар бўйича минтақавий ва тармоқ марказларида семинар-тренингларни доимий равишда мувофиқлаштиради.

Жумладан, 2016 йилда раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг тингловчилари таркиби салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида хорижий давлатларнинг университетларида таҳсил олган, хорижда стажировка, малака оширишдан ўтган, соҳанинг тажрибали мутахассис ва амалиётчиларидан иборат 402 нафар номзод профессор-ўқитувчилар саралаб олинди. Номзодлар учун Германия, Япония, Англия, Жанубий Корея, Италия, Франция, Канада, Греция, АҚШ, Венгрия каби давлатлардан жалб этилган 41 нафар хорижий мутахассислар иштирокида ўқув курслари ташкил этилди.

Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг ижтимоий психологик ва интеллектуал сифатлар тизими

Лидерликка эришиш, хусусан аниқ бир вазифаларни бажаришда гуруҳга раҳбарлик қилиш, мустақил қарорлар қабул қила олиш, унинг оқибатлари бўйича масъулиятни олиш, обрўга эга бўлиш, талабчанлик, зиддиятли вазиятларни тўғри ҳал қила олишлик, қатъийлик ва ўз фикрини ҳимоя қила олишлик даражаси

Интилувчанлик ва ташкилотчилик, хусусан стратегик мақсадларни тўғри шакллантириш ва уларга эришиш, ғайратли бўлиш, ташқи таъсирлар билан кураша олишлик, шунингдек ўзининг ва қўл остидагиларнинг фаолиятини оқилона режалаштира олишлик, интизомлик, жорий вазифаларни бажаришга нисбатан мантиқий ва амалий ёндошиш салоҳияти

Коммуникабеллик сифатларини шакллантириш, хусусан жамоада ўрнатилган кадриятларга ҳурмат билан қараш, ҳушмуомала, дўстона муносабатда бўлиш, ходимларга нисбатан кек сақламаслик қобилияти

Ижтимоий интеллектни шакллантириш, хусусан кишилар психологиясини билиш тажрибасига эга бўлиш, ижтимоий меъёрларни билиш ва тўғри қўллаш олиш, турли ижтимоий гуруҳларга мослаша олиш қобилияти, муомалада эътиборли бўлиш. Шароитдан келиб чиққан ҳолда, бошқаришнинг эгилувчан коммуникатив тактикасини қўллаш олиш малакаси

Вербал интеллектга эга бўлишлик, хусусан турли вербал маълумотлар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни ўрната олишлик, турли соҳалар бўйича билимларни биргаликда самарали қўллаш олишлик, тахминан бир хил ечимлардан энг тўғриси аниқлаш қобилияти

Новербал интеллектга эга бўлишлик, хусусан новербал математик маълумотлар турига нисбатан мантиқий қонуниятни ўрната олишлик, таҳлил қилиш ва истикболли кўрсаткичларни аниқлаш, мураккаб алгоритмларни ишлаб чиқиш қобилиятига, умумий интеллектуал ривожланиш салоҳияти

Доимий ўқиш ва ўрганишга ҳаракат қилиш, хусусан интеллектнинг эгилувчанлиги ва фаоллиги, янги маълумотларни ўзлаштириш тезлиги, самарасиз стеретипларни рад қилишлик, турли соҳа маълумотларини умумлаштирган ҳолда оқилона фойдалан олиш, ижодий қобилияти

Креативлик, хусусан ижодий фикрлаш, тасаввурни ривожлантириш, мустақил фикрлаш, ғоялар яратиш ва уларни амалга оширишнинг самарли йўллари ишлаб чиқиш қобилияти

2-расм. Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик ва интеллектуал сифатлар тизими

2017 йилда қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари Жанубий Корея, Германия, Франция, АҚШ, Япония, Испания каби жами 17 та ривожланган хорижий мамлакатларнинг 75 та олий таълим муассасаларидан жалб этилган 102 нафар хорижий мутахассислар иштирокида илғор хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида амалга оширилди. Хорижий директор ўринбосари-экспертлар билан биргаликда

қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида ўқитиш сифатини назорат қилиш тизими йўлга қўйилган.

Диссертациянинг **“Малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари”** деб номланган иккинчи бобида малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришда инновацион фаолликнинг ўрни, ривожланган мамлакатларда малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш моделлари ва уларни қўллашнинг аҳамияти, таълим сифатини таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда малака ошириш курси тингловчиларининг касбий малакасини ошириш йўналишлари тадқиқ этилган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш, шунингдек олий таълим тизими сифатини таъминлаш бўйича стратегик мақсадларга эришиш имкониятини яратади.

Қўйилган мақсадларга Ўзбекистон олий таълим тизимини ривожланишнинг инновацион моделига тўлиқ ўтказмасдан туриб, малака ошириш жараёнида тингловчиларда инновацион фаолликни ривожлантирмасдан туриб, эришиш мумкин эмас, бу эса мамлакатда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ҳамда давлат бошқаруви, иқтисодиёт устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага, олий таълим тизимига инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни амалда жорий қилишнинг самарали тизимини яратиш заруратини тақозо этади.

Малака ошириш курси тингловчилари олдида таълим тизимига инновацияларни жорий этиш ишларини тизимли асосда йўлга қўйиш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни стратегик башоратлаш, инновацион маҳсулотларни жорий этиш учун инфратузилмани такомиллаштириш, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни жорий этишни талаб қилувчи устувор соҳа ва тармоқларни аниқлаш бўйича тизимли ва мақсадга йўналтирилган фаолиятни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш борасида олий таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион фаоллигини ошириш лозим.

Таълим тизимида замонавий раҳбар учун нафақат, инновацион фаолиятни олиб боришнинг мавжуд усул ва шаклларида фойдаланиш, балки ўзининг усуллари ва ёндашувларини ишлаб чиқиш ҳам талаб қилинади. Бунга фақатгина, раҳбар зарур ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлганда ва махсус тайёргарлик кўргандагина эришиш мумкин. Шу боисдан ҳам, раҳбар кадрлар инновацион фаоллигини ошириш, ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш лозим.

Инновацион фаолликни оширишга имкон берадиган истиқболли усуллардан бири ҳар бир аниқ билим ва унинг қўлланилиши ўртасида


муносабатни ўрнатишдир, бунда тажриба асосида ўргатиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Аниқ ҳаётий амалиётдаги вазиятларни таҳлил қилишга ва тегишли ечим ва хулосалар ишлаб чиқишга қаратилган «Case-study» усулини қўллаш ҳам инновацион фаолликни оширишда катта самара беради.

Дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро алоқалар кенгайиб бораётган бугунги кунда Ўзбекистон ОТМлари раҳбар кадрларининг касбий малакасини ошириш тизимини жаҳон таълим тизимини ривожлантириш тенденцияларидан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Шундан келиб чиққан ҳолда, ривожланган мамлакатларда раҳбар кадрлар малакасини ошириш моделлари ва уларни қўллашнинг аҳамиятини ўрганиш муҳим. АҚШда олий таълим сифатини ички ўзини ўзи баҳолаш тамойиллари орқали амалга оширилади. Филиппин, Тайван ва бошқа давлатлар ҳам олий таълим сифатини баҳолашда айни шу АҚШ моделидан фойдаланишади. Европа олий таълим сифатини баҳолашда эса иккита ёндашув устувор аҳамият касб этади. Биринчиси, қитъа бўйича (Европа давлатлари) олий таълим тизимини баҳолаш индикаторлари бўлса, иккинчиси, инглизларнинг анъанавий баҳолаш механизмларидир. Анъанага кўра, олий таълим тизимини баҳолашга қитъавий ёндашув бу тизимни ташқи томонини ўрганишда қўл келади. Бунда битирувчиларнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокини аниқлаш устувор аҳамият касб этади.

Тадқиқот доирасида инсон капиталини стратегик бошқариш модели асосида малака ошириш курси тингловчларининг касбий малакасини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели аниқлаштирилди.

Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели учта вазифани ҳал этиши лозимлиги белгилаб берилди: малака ошириш жараёнининг мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш; касбий малакани ривожлантириш тамойилларини белгилаш; касбий малакани ривожлантириш шакллариининг вариативлиги, мезонлари ва кутиладиган натижани лойиҳалаш (3-расм).

Илмий тадқиқот ишида таълим сифатини таъминлаш стратегиясининг асосий йўналишларидан бири ISO халқаро стандартларига асосланган сифат менежменти тизимини жорий этиш зарур. Таълим тизими раҳбарлари ўз касбий фаолиятларида халқаро стандартлаштиришга эришиш, халқаро сифат сертификатларини олишни таъминлашлари стратегик аҳамиятга эга. Шунингдек, Ўзбекистон Болония декларациясига қўшилишнинг долзарблиги, уни амалга ошириш механизминини ривожлантириш таълим сифатини таъминлаш стратегиясининг асосий йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда Болония жараёнининг айрим унсурларини киритиш учун қонунчилик базаси мавжуд эканлиги ва у халқаро таълим жараёнига интеграциялашув ҳамда Ўзбекистон олий таълим тизимида рақобатни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.



3-расм. Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг тизимли-функционал модели

Диссертациянинг “Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида тренинг воситасида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш йўллари, педагогик ташхиснинг тингловчиларнинг касбий

малакасини баҳолаш воситаси эканлиги ва тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантириш самарадорлиги баён этилган.

Тадқиқот жараёнида ўз-ўзини ташхис этишнинг қуйидаги тартиби ишлаб чиқилди: ўз фаолиятини тадқиқ этиш; ўз имкониятларини баҳолаш; ўз фаолиятини қайта ташкил этиш учун мотив, эҳтиёж, имкониятларни яратиш; ўз меҳнати самарадорлиги ва унинг қайта ташкил этиш натижаларини аниқлай олиш; салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш.

Раҳбар заҳира кадрни танлаш босқичида ноанъанавий муаммоларни ҳал этиш, ғояларни илгари суриш ва уларни амалга оширишда психологик тестлар, муҳолиф танлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Олий таълим тизимидаги раҳбар кадрларнинг касбий малакасини баҳолашни амалга оширишда экспертлар баҳоси усулига асосланиш кутилган натижани беради. Касбий малакаларини баҳолашда эса Дельфи усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, сўровномалар натижаларига асосланиб, “Эксперт-омил” матрицаси тузиш ҳамда ҳар омилнинг муҳимлик даражаси аниқлаш ҳам айни шу йўналишдаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишда кўл келади.

Олий таълим муассасаларида раҳбар кадрларнинг касбий малакаларини баҳолаш мақсадида қуйидаги маҳсул сўровнома натижаларига эътибор бериш ўринли бўлади. Бош илмий-методик марказ тингловчиларидан сўровномани ўтказиш жараёнида умумий 112 та киши иштирок этиб, уларнинг ёш таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Сўровномада иштирок этган тингловчиларнинг ёш таркиби

Жами	Шундан:			
	31-40 ёшдагилар	41-50 ёшдагилар	51-60 ёшдагилар	60 ёшдан ошганлар
112	20	46	36	10
100 %	18,0 %	41,4 %	31,6 %	9,0 %

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, экспертлар сони талаб этиладиган даражадан анча юқори бўлиб, бу эса олинадиган маълумотлар ишончлилик даражасининг юқори бўлишини таъминлайди. Экспертларнинг асосий қисмини 41-50 ёшдагилар (41,4% ни) ва 51-60 ёшдагилар (31,6% ни) ташкил этиб, ушбу экспертлар етарлича иш тажрибасига ва малака кўникмасига эгадирлар.

